

ҲАЁТНИНГ ОҒИР ЗАРБАЛАРИГА ДОШ БЕРГАН ИНСОН

Тўқсон етти ёш оstonасида турган Ашур бобо Рустамовни қариндош-уруғлар, кўни-қўшни, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари тез-тез йўқлаб туришади. Айниқса, кўшнларнинг меҳр-оқибати бошқача. Гоҳида “Бобожаон, фарзандли бўлди. Дуо қилинг, Сизнинг ёшингизга етиб юрсин”, деб ҳам келишади.



Ашур Рустамовга олти ой муддатга уйга рухсат берилди. Ушунда 1942 йил эди. Она юртига қайтган, соғлигини тиклаш билан бирга, далада ишлади. “Қишлоқда турмуш оғирлашиб кетган, хотин-халаж, болалар даладан бери келишмасди. Бир хўкиз ортдан уч-тўрт киши сарсон бўлар, ерни ағдаришдан тортиб, текислаш, экин экиш — буларнинг барчаси турган битгани машаққат эди”, дея эслайди отахон.

Саломатлиги тикланган, Ашур Рустамов яна фронтга йўл олди. Беларусь, Польшани фашистлардан озод қилишда қатнашди. Урушдан сўнг қишлоғи Тожикистонга қайтиб, умргузаронлик қилди. 8 фарзанди, 29 невараси бор. Яқинда чеваралари сони бир нафарга кўпайди. Улар 65 нафарга етди.

— Ота-онам жуда эрта вафот этишган, етимлик машаққатларини чекканман, — дейди бобо. — Бу ҳам камлик қилганидай номинг ўчин уруш тўғриси акамдан ҳам ажралиб қолдим. Иسمи Жўра эди. Суриштирдик. Бедадик кетгани ҳақида хат олди. Ота-она меҳрини кўрмаганим, жигаримдан айрил-

ганим — булар мен учун ҳаётнинг оғир зарбалари бўлди. Айрилиқнинг азоби урушда олинган жароҳатдан ҳам кучли...

Аммо ҳаётимдан нолимайман. Шўқр. Шундай ажайиб замонларни кўриш насиб қилди. Давлатимиз кўмаги билан автомашинали бўлди. Шу йилнинг февралда харбийлар келиб, ноғиронлик арава-часи тўхфа қилишди. Моддий ёрдам берилмоқда. Миннатдорман. Невара-чевараларим кўп, санаганда саноқдан адашиб қоламан. Умри узоқ бўлсин ҳаммасининг. Барака топишсин, доим мендан хабардор бўлиб туришади. Айтмоқчи, ўзим бокс мухлисман. Яқин-яқингача телевизор орқали мириқиб томоша қилардим. Афсус, кўзим хиралашиб қолди-да...

Сўхбатимиз якунига етар палла Ашур бобога туман ҳокимлигининг совға-саломни топширилди. Отахон юртимизга тинчлик-омонлик, эл-юрт ташвишида юрганларга соғлиқ тилаб, дуога қўл очди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(“Халқ сўзи”).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бобом Муяссар Зарипов оловли жангларда қатнашиб, кўплаб қийинчиликларни бошидан кечирди. Дайди ўқ бегуноҳ йигитлар умрига зомин бўлганига гувоҳ бўлди. Балки шунинг учундир, кўпам уруш хотираларини гапиришни истамасди. Биз эса “Елкангиз ва оёгингиздаги жароҳатларни қайси жангда ортиргансиз?”, “Нечта душмanning додини бергансиз?” каби саволлар билан тинч қўямасдик.

БОБОМДАН ҚОЛГАН ХОТИРАЛАР

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетига ўқиб юрган кезларимда бобом ҳақида мақола ёзишни мақсад қилдим. Лекин у киши ҳеч рози бўлавермади. Ҳоли-жонига қўймаганимдан сўнггина хотираларини сўзлаб берди. Гапирганда қалин қошлари таранглашар, оғир хўрсинар, кўзларида ёш қалқирди. Уша нигоҳлар кечгидек ёдимда. Урушнинг совуқ хотиралари гўё елкасида юк бўлиб, босиб тургандек эди.

Бобом Карманадаги касб-хунар таълим марказида тахсил олиб юрган 1941 йилда бошланган уруш ҳаммани саросимага солиб қўяди. Ўзбекистоннинг нор йигитлари қатори у киши ҳам фронтга сафарбар этилади. Уша пайтда Бухоро вилоятининг Когон темир йўл станциясидан жангга жўнатилган ўзбек ўғлонлари бир ҳафталик йўл юриб, Москва шаҳри якунига олиб кетилган экан.

Кўз ойлари юртимиздан аскарларни фронтга жўнатиш авжига чиққан. Биринчи эшелон билан олиб кетилган мингта яқин аскарлар орасида бобомнинг акаси ҳам бўлган. Иккинчи эшелон уч-тўрт соат фарқ билан жўнатилади. Унчага бобом бир ғуруҳ сафдошлари билан Баҳроуддин Нақшбанд ҳазратларининг Когондаги қабрини зиёрат қилишга улгуради...

Узоқ темир йўл сафаридан сўнг кишининг қаратон кўнлари бошланган арафасида Москва вилоятига кириб борган вагонлар станцияга етмасдан ўрмон яқинига тўхташга мажбур бўлади. Аскарларга тезда вагонлардан тушиб, ўрмонга яшириниш бўйруғи берилади. Бобом не кўз билан кўрсинки, улардан олдин жўнаган

поезд станцияга бормасдан қирувчи самолётларнинг бомбалари, ўқлар ёмирига дучор бўлган экан. Ўзбек йигитлари вагонлардан чиқишга улгурмаган... Бобом улар орасида акасининг жонсиз танасига кўзи тушади. Вафот этганларни дафн қилишга рухсат бермаган командирлар “ким уларга яқинлашса отаман”, деган таҳдид билан барчани тезроқ ўрмонга яширинишга ундайди. Бобом бир сиқим тупроқни акасининг устига ташлаб, ҳақиқа дуо ўқиш билан қифояланади.



“Бобом не кўз билан кўрсинки, улардан олдин жўнаган поезд станцияга бормасдан қирувчи самолётларнинг бомбалари, ўқлар ёмирига дучор бўлган экан. Ўзбек йигитлари вагонлардан чиқишга улгурмаган... Бобом улар орасида акасининг жонсиз танасига кўзи тушади...”

...Душманлар Москва шаҳри оstonасига келиб қолган. Бобомнинг айтмишаси-да, душмanning ҳаракатини тўхтатишга, ўзини қалқон қилишга қодир ўзбек ўғлонлари жуда кўп эди.

Урушнинг беаёв жангларида тўрт йиллик умри ўтган бобомнинг таъкидлашча, инсон оқопларда икки-уч ойлаб қолиб кетишга, очарчилик, ботқоқ ва зах ўрмонларда ойлаб юришга ҳам чидар экан. Бобом урушнинг бошида елкасидан қаттиқ яраланади. Аммо бир муддат даволаниб, шифокорнинг “сени юрtingга жўнатишимиз, фронт ортида ишлайсан”, дейишга қарамай, яна жангга отланади.

Муяссар ота Шарқий Европани озод қилиш учун олиб борилган жангларда мардонавор иштирок этиб, унвонлар билан тақдирланди. Бир жангга қамалда ҳам қолиб кетди. Германия оstonасида немисларнинг қирувчи самолётларидан ўққа тутилган аскарларнинг кўпи нобуд бўлди. Ўнг томон ўрмонзор, чап томонда дарё пишқириб оқар эди. Ўнг оёғидан қаттиқ яраланган бобом йўл бўйида ҳолсиз ётарди. Гоҳ ўзига келиб, танаси ўзга юртларда қолиб қолган таётганлигидан ич-ичидан хўнграб йиғларди. “Инсон кўп қон йўқотса, ҳуши бир кетиб, бир келадиган бўлиб қолаккан. Ўзимга келганимда

“Яратган Эгам вужудимни бегона юртларда хор қилма”, деб ёлвордим. Нолаи зорим Аллоҳга етди шекилли, аскарлар келиб, аравада мени олиб кетишди. Кўзимни очсам, шифоҳонадаман. Жарроҳ ўнг оёғингизда гангрена бошланяпти, уни кесиб ташлаймиз, деб турибди. Жон ҳолатда, танамнинг бир бўлаги ҳам ўзга юртларда қолмасин, деган фикр билан унинг кўлига тирмашдим. Ҳоли-жонига қўймаганимдан сўнг, у кўнди. Аммо ўқларнинг қолдиқлари мени умр бўйи азоб бериб юришини айтиб қолди. Рози бўлдим”, деганди бобом.

Бобом урушдан қайтганидан сўнг, қолқозда мироб, сўнгга темирчи-дурдгор бўлиб ишлади, халқ хизматида юрди. Олти фарзандни тарбиялаб, элу юрта қўшди. 97 ёшга кириб, бу ёруғ дунёни тарк этди. У киши ҳаммаша дуога қўл очганда, “элимиз бошига ёмон кўнларни солма”, дея ният қиларди. Улуғ инсонларнинг дуолари бизни доимо асрайди.

Азамат ЗАРИПОВ.

Реклама ўрнида



TURON BANK

Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ жамоаси
9 май — Хотира ва Қадрлаш куни,
шунингдек,
Иккинчи жаҳон урушида қўлга киритилган
Ғалабанинг 75 йиллиги билан мард,
жасур ва матонатли уруш қатнашчилари
ҳамда меҳнат фахрийларини самимий
муборакбод этади.

«Туронбанк» АТБ
юртдошларимизга миллий валютадаги
«Шоҳона онлайн»
муддатли омонат турини таклиф қилади.

Омонатнинг йиллик фоиз ставкаси — 21 %.
Омонат муддати — 18 ой.

Омонатга ҳисобланган фоизлар
ҳар ойда тўлаб борилади.

Шунингдек, «Туронбанк» АТБ сизга миллий ва хорижий
валюталарда жозибадор шартларда
(Му Турон иловаси орқали) муддатли, жамғарма
ва онлайн омонатларини таклиф этади.

www.turonbank.uz

turonbank turonbankuz turonbank

95-144-60-00

Хизматлар лицензияланган.



«Бекободцемент» АЖ

меҳнат жамоаси
Сиз азизларни

Хотира ва Қадрлаш куни

ҳамда
Иккинчи жаҳон
урушида қозонилган
Ғалабанинг 75 йиллиги
билан қутлайди!

Аждодларимизнинг башарият
тарихида мисли кўрилмаган ўша
оловли йиллардаги жанг
майдонлари ҳамда фронт ортида
кўрсатган матонатлари
мангуликка дахлдор!
Қалбларимизда фахр-ифтихор
туйғусини туйган ҳолда яна бир
бор байрам билан
муборакбод этамиз, азизлар!

9 МАЙ

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 556. 39 806 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқоқлар 71-232-11-15.

Тахриратга келган қўламалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30 Топширилди — 02.15

1 2 3 4 5 6